O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 25 - февраль 364k -son Bog‘ot shaharchasi

Боғот туманида табиий пичанзорлар ва яйловлардан фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги ва “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрдаги “Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида”ги 290-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Қуйидагилар:

Туман ҳудудида пичан ўриш, табиий пичанзорлар ва яйловларда чорва молларини ўтлатишнинг меъёрлари, муддатлари ва рухсатнома берганлик учун ундириладиган тўлов миқдорлари 1-иловага;

чорвачилик эҳтиёжлари учун ёввойи озуқа маҳсулотларини ғамлашнинг меъёрлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Э.Худайберганов, қишлоқ хўжалиги бўлими Б.Ямғуров ва сув хўжалиги бўлим С.Ибрагимов, туман экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўлими С.Жумабоев туман ҳокимлиги билан биргаликда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни қонунчилик талаблари асосида амалга оширилишини таъминласинлар.

3. Мазкур қарор расмий манбаларда эълон қилинсин ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин ҳамда расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга кириши белгилаб қўйилсин.

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Қурбонов ва туман ҳокимининг ўринбосари Э.Худайберганов зиммаларига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими вазифасини бажарувчи **Ш.Яхшибаев**

ASLIDAN TO'G'R